Рамазонни қаршилаб

16:09 / 28.03.2023 1855

Баъзилар «Рўзадорни тўйдирган одам рўза тутганнинг савобини олади», деган гапни хато талқин этади, ифторлик маросими уюштириб, кўп одамларни чақиради, кейин ўзи рўза тутмай юраверади. Бу одат мутлақо янглиш тушунча окибатидир.

Аввало, бу гапдан ўзи рўза тутмаса бўлаверади деган хулоса чиқмайди. Қолаверса, ҳеч бир савоб иш фарз ибодатни тарк қилишга сабаб бўла олмайди.

Ифторлик қилиш деганда, албатта дастурхон ёзиб, тўп-тўп одам айтишни тушунмаслик керак. Камбағал, муҳтож кишиларга таом ёки керакли маблағни бериш энг яхши ифторликдир. Чунки шуниси риёдан холи бўлади.

Баъзи ифторликларда дабдабага берилиб кетиш, ношаръий ишларни аралаштириб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради.

Бунга ўхшаш ҳолатларни тугатиш зарур.
Мискинга таом бериш рўза тутишнинг ўрнига ўтиши эса, фидя бериш дейилади. Бунга Қуръони Каримда рухсат берилган. Бироқ фидяга ўта

қариликлари, дармонсизликлари сабабли рўза тута олмай қолган отахон ва онахонлар ҳақлилар, холос. Уламоларимиз бу тоифага тузалишидан умид йўқ, сурункали касалга чалинган кишиларни ҳам қўшганлар. Фақат ана шу тоифадаги кишиларгина рўза ўрнига фидя беришлари мумкин. Қолганларга бу рухсатнинг дахли йўқ. Бошқа кишилар дунёдаги барча мискинларни тўйғазсалар-да, фарз рўзанинг бир соати ҳам улардан соқит бўлмайди. Мўмин-мусулмонман деган одам балоғатга етганидан бошлаб Аллоҳ таолонинг амрларини бажариши зарурдир. Ана шу даврдан бошлаб ҳар бир қилган иш номаи аъмолига ёзила боради ва Қиёмат куни ҳисоб-китоб қилинади. Ёшликда қилинган ибодатнинг эса фазилати ўзгача.

Шу билан бирга, баъзи узрли кишиларга рўзани қазо қилишга, яъни Рамазон ойида узрли сабаб билан тута олмаган ҳар бир кун ўрнига бир кундан рўза тутиб беришга рухсат этилган. Бу тоифага сафардаги кишилар, оғир касаллар, ҳайз ёки нифосли, ҳомиладор ҳамда ўзларига ёки болаларига зарар етишидан қўрққан эмизикли аёллар кирадилар.

Рамазон ойида сафарга чиққан одамга йўл қийинчиликлари сабаб кейин қазосини тутиб беришга рухсат этилган.

Қийналмаса, рўзани сафарда тутса ҳам бўлаверади. Рамазон шарофати ила солиҳ амалларнинг савоби кўпайиши билан бир қаторда, қилинган гуноҳларнинг даражаси кучайишини ҳам билиб қўйиш керак. Рўзадор киши бефойда, ёлғон, туҳмат, бўхтон гап-сўзларга мутлақо яқин йўламаслиги, бошқа биров уриш-жанжал бошласа, мен рўзадорман, деб четланиши керак. Ана шундагина рўзаси баркамол бўлиб, кўзлаган мақсадига эришади. Рўза тутган одам Аллоҳни кўпроқ зикр қилса, Қуръон ўқиса, нур устига нурдир.

Фитр садақаси эса инсон ўзини поклаши, рўзада йўл қўйилган баъзи камчиликлар ўрнини тўлдириши, камбағал ва муҳтожларга ёрдам бўлиши учун жорий қилинган молиявий ибодатдир. Бу молиявий ибодатни ҳар бир мусулмон, киши бошига кўра, адо этади. Камбағал мусулмонлар эса ундан фойдаланади.

Абу Ҳомид Ғаззолий рўзадор одам оддий вақтлардаги нонуштасини

саҳарлик, кечки овқатини ифторлик қилгани маъқул, дейди. Зотан рўзанинг ҳикмати ҳам шунда. Яъни, оддий вақтдан кўра оз таом истеъмол қилишдадир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳарликни охирги вақтгача чўзиб боришни, ифторликни вақти кирган заҳотиёқ бошлашни қайта-қайта таъкидлаганлар. Шунингдек, у зоти шариф улаб тутишдан, яъни атай ифторлик ва саҳарлик қилмай рўза тутишдан қайтарганлар.

Ифтор вақтида астойдил дуо қилиш ҳамда ҳўл ва ширин нарсалар билан оғизни очиш ҳақида ҳам кўплаб ҳадислар келган. Рамазон тунларини ҳам иложи борича ибодат билан ўтказишга уриниш зарур.
Аллоҳ таоло ҳаммамизни Рамазонга қайта-қайта етказсин. Рамазон рўзасини тўла-тўкис адо этишни насиб айлаган бўлсин!

Ирфон тақвимидан олинди

Ушбу тақвим Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2014 йил 15 майдаги 1605-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.